



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 234 (11.795)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислохотлар оқидамида

ИМКОНИАТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

Қилинган савй-ҳаракат, кўзланган мақсад сари интилишлар «Анталия текс» масъулияти чекланган жамияти учун муваффақиятларда асосий гаров бўлапти. Мазкур корхонада ички бозорда харидоргир бўлган трикотаж маҳсулотлари тайёрланапти.

— 100 фоиз пахтани қайта ишлаш асосида тайёрланган матолардан фойдаланамиз, — дейди корхона директори Алишер Мирзахўжаев. — Албатта, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилади. Бунда замонавий дастгоҳлар қўл келмоқда.

Ишчи-ҳодимларни танлов асосида ишга қабул қилганимиз боис сифат кўрсаткичлари яхши бўлмоқда. Бугунги давр талаби омбор учун эмас, харидор учун маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигини тақозо этмоқда. Сифат таъминланса, буюртмалар кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортисини, корхона янада ривожланишини яхши англаймиз.

Корхонада эркаклар ва болалар кийим-кечаклари ҳар бир мавсум ҳисобга олинган ҳолда мослаб ишлаб чиқарилади. Жорий йилнинг ўзиде 20 турдан зиёд янги модель яратилди.

Шароитлар ҳам баракали меҳнат таъминланишига хизмат қилмоқда. Маҳсулотни харидорга етиб боришига эришиш, корхона нуфузини ошириш йўлида ишчи-хизматчилар бор маҳоратини ишга солмоқда. Бу борада сидқидилдан фаолият юритаётган Дилбар Турсунова, Нозима Содикова, Жамила Зикриллаева, Дилфуза Мирзахўжаева сингари чеварлар, моҳир бичкичи Абдумавлон Нажмиддинов, механик уста Талъат Маҳмудовларнинг номларини алоҳида айтиб ўтиш мумкин.

Маҳсулот турларини кўпайтиришга қаратилган эътибор хусусида айтиш жоизки, айни пайтда корхонада бир нечта янги намуналар устида изланишлар давом этмоқда. Бу эркаклар устки кийимлари бўлиб, уларни тайёрлаш учун келтирилган замонавий дастгоҳдан фойдаланилади. Шунингдек, келгусида корхона кенгайтириш, фирма дўконини очиб режа қилинган.

Асосий мақсад ички бозорни импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан тўлдираришда муҳим ҳисса кўшишди.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

«Интиланга толе ёр» ибораси бугунги кунда имкониятлардан оқилона фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг муваффақиятларида яққол намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, агар имконият ишга солинса, ундан унумли фойдаланилса, ютуқлар тайин бўлади.

8 декабрь —

Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинган кун

АБДУЛАЗИЗ БИН ҲАРУН:

«ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ

ТАКЛИФ ЭТГАН КОНЦЕПЦИЯ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ

ЭНГ РИВОЖЛАНГАН

МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИДАН

ЖОЙ ОЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги арафасида ЎЗА мухбири Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдулазиз бин ҲАРУН билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 18 йил тўлади. Конституция асосида Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва оқилолиқни таъминлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ҳар бир давлат конституцияси ўша мамлакат халқини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи, шунингдек, унинг ҳуқуқ ва вазибаларини ўзида акс эттирадиган асосий қонун ҳужжати ҳисобланади. Давлат қуриш жараёнида конституция мамлакат ва халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ўша мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш нўқтаи назаридан ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, шу билан бирга давлатни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Конституцияси инсон манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қодир, демократик тамойилларга жавоб бера оладиган адолатли қонун ҳужжати.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг туртинчи ялпи мажлиси ўтказилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиоров олиб борди. Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фоят муҳим воқеа бўлганлиги қайд этилди. Унда муста-

қиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар жараёни чуқур таҳлил қилинди, Ўзбекистоннинг демократик ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги асосий ютуқлари ҳақида ҳар томонлама фикр юритилди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик давлат қуришнинг, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси

жаҳон жамоатчилигига ижобий таъсир кўрсатди ва ҳозир ҳам оммавий ахборот воситаларида таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг олим ва экспертлари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қонда ва хулосалари асосий стратегик мақсадга эришишга — иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган ва бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозонган, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий қадрият ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган. Концепция ички ислохотлар ва умумжаҳон демократик жараён-

ларининг боришини теран фикрлаш натижаси бўлди. У мамлакатнинг сиёсий тизимини модернизация қилишда дастурий ҳужжат, Ўзбекистоннинг ислохот қилиш ва демократлаштиришда янги босқич бўлди.

Сенаторлар ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепциянинг қоидалари ва хулосаларини бутунлай ва тўла-тўқис маъқуллаб, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан, ҳар бир сенатордан ва барча даражалардаги депутатлардан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини ҳамда парламент назоратининг таъсирчанлигини оширишни, ўз ишларида умумдавлат ва минтақалар манфаатлари уйғун қўшиб олиб борилишини таъминлашни талаб қилади. Сенат Кенгаши, кўмиталари ва комиссияларининг, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг энг муҳим вазифаси Концепциянинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчилик, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси эътиборига етказишдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда талаба ёшларнинг ҳуқуқий билимини юксалтиришнинг самарали усуллари ҳақида сўз борди.

✓ **ИИББ** вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ташаббуси билан «Баркамол авлод ва Конституция» шиори остида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ВРАЧЛАР** малакасини ошириш институтида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган «Соғлом сўт» лойиҳаси моҳиятига бағишланган конференция ўтказилди. Тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишлаб, «Конституция — мамлакатни модернизациялаш ва баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий таянчи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунослар, маънавият тарғиботчилари, олимлар, ушбу академиянинг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

• Тошкентдаги «Туркистон» саройида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!» шиори остида концерт бўлиб ўтди.

• Наманган тумани марказида пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Тошбулок текс» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Қиймати 1,8 миллион АҚШ долларилик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан корхонада йилга уч минг тоннагача қалава ип ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

• Жиззах туманидаги Учтепа шаҳарчасида 20 та оилага янги турар жойлар қалитлари топширилди. Замонавий уй-жойларни «Ўрта Осиё меъмор» хусусий корхонасининг қўли гул бунёдкорлари қуриб битказдилар.

• Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг Фарғона вилояти филиали қошида ахборот-ресурс маркази очилди. Унда фермерларга тадбиркорлик, экология масалалари, агротехника қоидаларига оид тушунчалар бериб борилади. Марказ Интернетга уланган бўлиб, коммуникация, компьютер саводхонлиги ҳамда тегишли ҳужжатларни тайёрлаш юзасидан хизматлар кўрсатади.

• «Боёвут-Бунёдкор» хусусий корхонаси раҳбари Жоникул Мусурмонов янги ғишт заводини ишга туширди. Бунинг учун тадбиркорга «Асака» банки томонидан ажратилган 410,8 миллион сўмлик кредит қўл келди. Айни пайтда 40 киши иш ўрнига эга бўлган ушбу корхонада хориж технологияси ёрдамида кунига 20 минг донагача пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Женевада «Олтилик» давлатларининг Эрон билан Техроннинг ядро дастури бўйича музокаралари қайта тикланди.

• Туркменистонда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларда сайловчиларнинг иштироки 95,7 фоизни ташкил этди.

• Кеча Япония пойтахти Токио шаҳри атрофида Рихтер шкаласи бўйича 4,4 балли ер силкиниши кузатилди.

• Венесуэлада икки ҳафтадан бери давом этаётган тинимсиз ёгингарчилик оқибатида 29 киши ҳаётдан кўз юмди, беш мингдан зиёд одам уй-жойсиз қолди. Мамлакатнинг Варгас, Миранда, Фалькон штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Табиий офат транспорт инфратузилмаси, айниқса, ҳаво транспорти қатновчи, экин майдонларига катта зарар етказган.

• Кучли шамол ва тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида Португалияда ўн мингдан ортиқ уй-жойлар электр қувватсиз қолди.

• Миср маъмурлари Шарм аш-Шайх курорти туташган Қизил денгизда акулалар кейинги бир ҳафта ичида беш кишига ҳужум қилганлиги муносабати билан денгиз бўйидаги барча чўмилиш ҳавзаларини номаълум муддатгача ёпиб қўйди.

• Кеча Сомали қароқчилари Бангладеш байроғи остида ҳаракатланаётган кемани қўлга олдилар.

• Украина Олий радаси мамлакатда тамаки маҳсулотлари рекламасини тўлиқ тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишдан сўнг маъқуллади. Лойиҳа кучга кирганидан сўнг мамлакатда тамаки маҳсулотлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг ОАВ ва интернетдаги рекламаси тақиқланади, шунингдек, бепул сигарет тарқатиш акциялари, турли лотереялар ташкиллаштириш, танловлар ва тадбирларга ҳомийлик қилиш ман этилади.

Жамоат ташкилотларида

Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўзбекистонлик ва япониялик археолог, тарихчи, санъатшунос олимлар иштирокида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

ОЛИМЛАР МУЛОҚОТИ

Мамлакатимизда халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш жараёнида уларнинг Ватанимиз тарихини пухта ўрганиши учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Қадимий шаҳарларимизни атрофлича тадқиқ этишда хорижлик олимлар ва экспертларнинг ҳам катта қизиқиши ва иштиёқи билан иштирок этаётгани илм-фан, маданият ва санъат соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда.

Ўзбек ва япон археолог олимларининг узоқ йиллик самарали ҳамкорлиги натижасида, Сурхон воҳасидаги Фаёзтепа, Далварзинтепа, Қоратепа каби кўна ёдгорликларда кенг кўламли илмий-амалий экспедициялар олиб борилди. Археологик қазималар жараёнида топилган кўплаб осори-атикалар қадимий ва гўзал Ватанимиз ҳақон цивилизацияси бешикларидан бири эканлигини бутун дунёга намойиш этди.

Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор ўтмиши, хусусан, Буюк Ипак йўли тарихига дахлдор ноёб топилмалар тарих, археология, санъатшуносликка оид фанларнинг янада бойишида алоҳида аҳамият касб этади, — дейди ЎЗА муҳбирига япониялик археолог олим Като Кюдзо. — Табаррук юртингиз барча даврларда ҳақон илм-фани ва маданиятининг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Кўп йиллар мобайнидаги илмий изланишларим жараёнида бунга қатъий амин бўлганман.

Анжуманда тарихий-маданий меросни ўрганиш, тарғиб этиш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид маърузалар тингланди. Ушбу соҳага доир халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш ва мустаҳкамлашнинг истиқболлари белгиланган олинди.

Назokat УСМОНОВА

Ижтимоий ҳимояга йўналтирилган давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган тадбирлар самарасида ногирон кишилар учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва касб-хунар эгаллашига яқиндан кўмаклашилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Карлар жамияти томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Бугун жамиятнинг 23 мингдан ортиқ эшитиш ва сўзлаш қобилияти чекланган аъзоси бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қизиқиши ва интилишларини рўёбга чиқариш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида изчил ишлар олиб борилмоқда. Тизимдаги 15 ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида ногиронлар касб-хунар ўрганиб, иш билан таъминланаётир.

— Йилга 10 миллиард сўмдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётган корхоналаримизда ишлаётган ногиронларга меҳнат қилиш ва дам олиш учун барча қулайликлар яратилган, — дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон Карлар жамияти раиси ўринбосари Жаҳоҳир Рихсиев. — Ишлаб чиқаришдан топилаётган даромад ногиронларга моддий ёрдам бериш, уларнинг саломатлигини тиклашга сарфланмоқда.

Ногиронларнинг ўз кучига ишончини мустаҳкамлаш

МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, аввало инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда эҳтиёжманд, кам таъминланган ва жисмоний имконияти чекланган кишиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

мақсадида волейбол, футбол, сузиш, шахмат, шашка, стол тенниси каби спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди. Кар-соқовлардан ташкил топган футбол жамоаси 2006 йилдан буён ёшлар ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилаётган халқаро турнирларда фаол иштирок этиб, олтин медаль ва турли даражадаги совринларни қўлга киритди.

Ёш шахматчи Сирожиiddин Зайниiddинов ногиронлар ўртасидаги халқаро мусобақаларда икки карра жаҳон чемпиони деган шарафга муяссар бўлди. У спортда эришган ютуқлари учун давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ "Шухрат" медали билан тақдирланди.

Тақдир тегиримони қанчалар оғир бўлмасин, ўз ҳаётини обод этиш инсоннинг ўз қўлидадир. Республика Карлар жамияти қошидаги маданият уйида театр труппасининг ташкил этилиши — но-

гиронларнинг ҳаётга интилишлари меваси. Бугун ушбу театр ўз репертуарини бойитиб бормоқда. Айни пайтда ижодий жамоа вилоятларда спектакллар намойиш этмоқда.

Жамият томонидан Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан жойларда хайрия акциялари, спорт мусобақалари, турли маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар, ногиронлар жамияти вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳимий ташкилотлар ҳамкорлигида жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳолидан ҳабар олиниб, уларга совға-саломлар топширилмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик эса ҳар бир ногиронни яшашига бўлган иштиёқини оширади, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишига ёрдам беради.

Гулбаҳор УМРЗОҚОВА

ИНСОН ҚАДРИ МУҚАДДАС



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Меҳнат ва меҳнатсеварлик ҳақида

Меҳнат — фароғат чирोगи.

Меҳнат қилган дур келтирар.

Меҳнат қилдим — хўп қилдим, Миннат қилдим — йўқ қилдим.

Меҳнат қилиб топганинг, Қанду асал тотганинг.

Меҳнат қилмай, роҳат кўрмас, Уруғ сепмай, экин ўрмас.

Меҳнат қилсанг, яшарсан, Катта-катта ошарсан.

Меҳнат қилу миннат қилма!

Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, Давлат ҳам эгиз-эгиз.

Меҳнат — хурматнинг тожи.

Обрў осмондан тушмас, Меҳнатдан келар.

Одамнинг қўли чўлни бўстон қилар.

Олтин ўтда билинар, Одам — меҳнатда.

Осмондан чалпак ёғилмас.

Савр кирди, Экинларга давр кирди.

Сендан ҳаракат — мендан баракат.

Сени иш енгмасин, Сен ишни енг!

Сув — ёруғлик, Сув — зар, сувчи — заргар.

Сув — экиннинг қони, Меҳнат — унинг жони.

Текиннинг миннати кўп, Меҳнатнинг зийнати кўп.

Терга ботган роҳатга ботар.

Тер тўкиб меҳнат қилсанг, Ердан ҳатто зар унар.

Тер тўкиб сочсанг уруғ, Ер сени қўймас қуруқ.

Тер тўксанг, дур терасан.

Тиришган тоғдан ошар. (Давоми бор)

Спорт янгиликлари



ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан қитъамизнинг 2010 йилдаги турли номинациялар ғолиблари номлари эълон қилинганлигидан мухлислар хабардор, албатта.

ОФКнинг «Олтин юлдуз» соврини билан мукофотланди.

Марказий Осиё давлатлари, Жазоир, Ҳиндистон, Непал, Мальдив ороллари, Шри-Ланка, Яман, БАА каби мамлакатлар футбол ривожига муносиб ҳисса қўшган, мингдан ортиқ мураббийларга футбол сирларидан сабоқ берган Рустам Акрамовни юксак мукофот билан қўтлар эканми, мамлакатимиз футболни янада тараққий этишини, 1994 йилдаги Осиё ўйинларида Рустам Акрамов бош мураббийлигида чемпион бўлган терма жамоамиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритишини тилаб қоламиз.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДОҲАГА БОРАДИ

Кўни кеча Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан қитъа мутасаддилари иштирокида ўтказилган тадбирда мини-футбол бўйича уюштирилган Осиё чемпионлар лигаси турнирининг ўтказилиш мuddати ва манзили эълон қилинди.

Қитъада иккинчи маротаба ташкил этилаётган ушбу нуфузли турнир келгуси йилнинг 25 июнидан 1 июлга қадар Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўлиб ўтади. Бу сафар Ватанимиз шарафини «Ардус» жамоаси ҳимоя қилади. Шу боис ҳам мини-футболчиларимиз ушбу турнирда фақат зарфар кучиш мақсадида ҳаракат қилиши учун ўқув-машгулот йиғинларига зўр бериши талаб этилади.

Гап шундаки, ушбу турнирда аслида иккинчи маротаба қатнашаётган «Ардус» жамоаси 2006 йилда Эронда ташкиллаштирилган дастлабки мусобақа финалида мезбонларга кичик ҳисобда имкониятни бой бериб қўйган ва иккинчи ўрин билан кифояланган эди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, мини-футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнири 2008 йилдагина расмий турнир мақоми олдиди.

ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Уммон пойтахти Мускат шаҳрида 8-16 декабрь кунлари пляж спорт турлари бўйича Осиё чемпионатининг пляж футбол мусобақалари бўлиб ўтади.


Қитъада иккинчи маротаба ташкил этилаётган ушбу турнирда Аҳад Юсупов бош мураббийлигидаги пляж футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси иштирок этади.

Бундан икки йил илгари Индонезияда илк марта уюштирилган ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз терма жамоаси гуруҳ баҳсларида ғолиб чиққан ва чорак финалдагина уммонликларга имкониятни бой бериб қўйган эди. Бу сафар совринли ўринлардан бирини эгаллашга аҳд қилган Аҳад Юсупов шоғирдлари ўқув-йиғин машғулотларини якунлаб, Мускатга жўнаб кетди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

БИЛАСИЗМИ?

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси



Палатага аъзо бўлиб, сиз:

- **Ўзбекистон ва хорижда ишлаб чиқарилган минитехнологияларни харид қилиш бўйича маълумот олишингиз;**
- **ўз маҳсулотларингизни консигнация шартлари асосида Палата орқали хорижий бозорларда сотиш имкониятига эга бўлиш;**
- **таклиф қилаётган маҳсулот ва хизматларингизни мамлакатимиз ҳамда хориждаги кўрғазмаларда имтиёзли шартларда жойлаштиришингиз;**
- **экспорт ва импорт қилувчи тадбиркорлар фаолияти ҳақида маълумотлар олишингиз;**
- **назорат органлари томонидан текширув ўтказилганда, Палата томонидан ҳуқуқий ҳимояга эга бўлишингиз мумкин.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасига аъзо бўлиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

100047, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 14-уй.
Тел: 150-31-02, 233-51-46. Факс: 150-31-01. e-mail: th@chamber.uz.
Web-side: www.chamber.uz.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.



Узгидромет хабар қилади

Тошкент шаҳрида 7 декабрь кўни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 3-6 даража илқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Баъзи жойларга туман ту-

шади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси — 0-5 даража совуқ, кундузи — 5-10 даража илқ бўлади. Гидрометеорология марказининг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 декабрь ва эрталаб 7 декабрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойзча ҳаво ўзгариб туради, пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2592 нусхада босилади. Қоғоз белини А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида теришти ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5